

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСII КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 109 (11.670)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ

### БИР КУНИ

#### Ислохотлар оқидамида

Кейинги пайларда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси тизимидаги электропоездлар паркни янгилаш, замонавий технологиялар билан таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



## ЯНГИ ТЕЗЮРАР ПОЕЗДЛАР



Бу борада айниқса Хитой Халқ Республикаси билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК йўловчи локомотивлари паркни янгилаш, йўловчи электровозлар харид қилиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги Қарори асосида амалга оширилган инвестициявий лойиҳа эътиборга лойиқдир. Қиймати 75,53 миллион АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳа бўйича тезлиги соатига 160 километр бўлган 15 та сўнгги техник инновациялар қўлланган электровоз Хитойнинг Чжучжоу компанияси томонидан тай-

ёрлиниб Ўзбекистонга етказиб берилди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги молиявий-техник ҳамкорлик асосида узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобига амалга оширилмоқда. Кун кеча шаҳримиз Марказий темир йўл вокзалида хитойлик локомотивсозлар томонидан ўзаро келишувга мувофиқ шартнома муддатидан бир йил олдин жорий йилда тўлиқ берилиши кўзда тутилган электровозлардан дастлабки иккитаси келтирилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур электролокомотивлар электр истеъмолини тежаш баробарида иқтисод

қилинган энергиянинг тортиш тармоғига қайтишни ҳам таъминлайди. Замонавий йўловчи локомотивлари «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК парк таркибидан ўрин олиши аввалдан кўриб келинган сифатининг ошшиш, электр энергияси сарфининг қисқариши ҳамда қатнов учун кетадиган вақтнинг камайиши каби қўлайликлар яратди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқуллов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ  
Ҳакимжон Солиҳов  
олган суратлар

## «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ»

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби мамлакатимиз жамоатчилиги, кенг китобхонлар ўртасида катта қизиқиш уйғотган, севиб ўқилаётган, ўқиб-ўрганилаётган асардир. Зеро, китобда ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлган маънавият билан боғлиқ ҳаётий масалалар ҳар томонлама кенг таҳлил этилган.

Замонавий ахборот технологиялари ривожланган бугунги кунда ушбу асарнинг электрон шакли китобхонлар учун, айниқса, катта қўлайликдир. Шунинг эътиборига олинганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмагачлар ишлари бўйича комиссияси ва Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси томонидан «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига оид фильм тайёрланди. Мазкур фильмда китобдаги ҳар бир боб ва бўлим фикр юритилаётган мавзу бўйича лавҳалар билан бойитилган. Матнларни Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов ўқиган. Сўз, бадиий безак ва овоз уйғунлиги асарнинг қийматини янада оширган. Бу асарда илгари сурилган гоғларнинг киши қалбига, айниқса, ёшлар онига етиб боришида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Адолат» нашриётида олимлар, журналистлар ва талаба ёшлар иштирокида ана шу фильм маъно-мазмунини ва аҳамиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Нашриёт директори Акмал Инонбоев Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда миллий маънавиятимизни тиклаш ва янада мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Ушбу жараёнда ёш авлоднинг қалби ва онгини зарарли гоғ ҳамда таъсирлардан ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда. «Юртбошимизнинг» «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Н.АБДУРАИМОВА,  
(ЎЗА)

## ХХР РАИСИ ХУ ЦЗИНЬТАОНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифи билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 2010 йил 9-11 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади, шунингдек, ШХТ саммитида иштирок этади.

Ташриф давомида Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ САРИ

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда эътироф этган, мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 2 январдан бошланган.

Умуман, Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг ривожини ўзининг узоқ тарихига эга. Буюк Ипак йўли даврларидан буён халқларимиз ўртасида савдо ва илмий-маданий алмашинувлар ривожланиб келган. Мустақиллик эълон қилинганидан сўнг Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ўзининг янги, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш борасидаги уйғун саъй-ҳаракатларини намойён этган фаол ривожланиш босқичига кўтарилди. Истиқболли ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланиб ривожланмоқда. Хитой ҳамшира Ўзбекистон томонидан танланган тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлаган. Хитой учун муҳим ва долзарб масалалар, хусусан, ҳудудий яхлитликни сақлаб қолиш борасида Ўзбекистон бу давлат ҳаққини назарини ёқлаб келди.

Ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг бутун жамғирини қамраб олган ва дўстона хусусиятга эгадир. Унинг асосида икки давлат раҳбарлари ўртасида шаклланган шахсий ишончли алоқалар ётади. Ўзбекистон билан Хитойнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги бугунги кунда юзага келган таҳдид ва хавф-хатарлар борасида ёндашувларнинг бир-бирига мос ёки яқин келишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Хитой раҳбариятининг Тайван ва Тибет масаласи бўйича, уч ёвуз иллат — терроризм, экстремизм ва айирмачиликка қарши курашиш борасидаги ҳар томонлама ўйланган ҳамда оқилона ташқи сиёсат йўналишини қатъий ва доимий равишда қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ва Хитой ҳам икки томонлама, ҳам БМТ ва ШХТ каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро фаол ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг Дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланган ҳамда келгусида ўзаро алоқаларининг ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор бўлган 2005 йил 25-27 май кунларида ХХРга амалга оширган давлат ташрифи Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги чуқурлашувининг муҳим босқичи бўлди.

Икки давлат раҳбарларининг ШХТ саммитлари доирасидаги мунтазам учрашувлари нобатдаги йирик воқеаларга айланди. Уларнинг 2009 йил декабрь ойида Туркменистондан Хитойга газ қувурининг ишга туширилиши маросими иштироки чоғида томонлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлигини, транспорт, энергетика, телекоммуникация, энгил саноат ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда шерикчиликни рағбатлантириш борасида янги таклифлар илгари сурилган учрашуви муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама аҳамият касб этувчи 200 та ҳужжатдан иборат бўлган мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий база шаклланган

бўлиб, у ХХР раиси Ху Цзиньтаонинг юртимизга амалга оширилажак давлат ташрифи чоғида янада кенгайтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда жадал ривожланмоқда. Ўзбекистоннинг савдо ҳамкорлари орасида Хитой етакчи ўрин эгаллайди. 2009 йилнинг якунига кўра икки томонлама савдо айланмаси 2051,4 миллион АҚШ долларини, (ўсиш кўрсаткичи 35,8 фоиз), экспорт 489,0 миллион АҚШ долларини, импорт — 1562,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2010 йилнинг биринчи чораги якунига кўра, икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 407,6 млн. долларга етди, шу жумладан экспорт — 191,7 миллион АҚШ доллари, импорт эса — 215,9 млн. долларни ташкил этди.

Нефть ва газ соҳасидаги сармоявий ҳамкорлик жадал сурьатларда ривожланмоқда. Хитой миллий нефть ва газ корпорацияси (СНПС) Орел денгизи сув ҳавзасида, шунингдек республикамизнинг нефть ва газ захирасига эга бўлган Устюрт, Бухоро-Хива ҳамда Фарғона минтақаларида геологик кидирув ишларини олиб бормоқда. Мингбулоқда нефть қазиб олиш бўйича қўшма корхона иш бошлади.

2009 йил декабрь ойида Туркменистондан Хитойга газ қувурининг ишга туширилиши, мамлакатларининг энергетика соҳасидаги ҳамкорлигида муҳим воқеа бўлди. Айни вақтда Ўзбекистон ҳудудида Хитой сармояси иштирокида 300 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан 52 таси 100 фоиз Хитой маблағ асосида ишлайди. Мазкур корхоналар асосан энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, воситачилик хизматлари кўрсатиш ва бошқа йўналишларда иш олиб бормоқда. Хитой компанияларининг фаол иштирокида Ўзбекистонда бир қатор йирик инфратузилмавий лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Маданият, фан ва таълим соҳаларида икки томонлама ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Олий ўқув муассасалари ўртасида талабалар ва амалиётчилар алмашуви, хусусан Ўзбекистонда хитой тилини, Хитойда эса ўзбек тилини ўрганиш йўлга қўйилган.

ХХР раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистонга 2004 йил июнь ойида амалга оширган давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлараро битимга мувофиқ, 2005 йилнинг май ойидан бошлаб Тошкентда хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институт фаолият юритиб келмоқда. Мазкур илм масканида ўқувчилар, талабалар, тижорат вакиллари ва илмий ходимлардан иборат 300 дан зиёд тингловчи тахсил олмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Хоразм вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси томонидан «2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг самарадорлиги: мониторинг натижалари ва муаммоларни ҳал этиш йўллари» мавзусида ташкил қилинган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси асосида Жиззах вилоятининг Зомин туманида ўтказилган машғулотлар нихоясига етди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 60 нафар йигит-қиз қатнашди.

• Хотин-қизларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишини қўллаб-қувватлаш, уларга кенг шароит яратиш бериш ва фаолиятини рағбатлантириш мақсадида «Микрокредитбанк»нинг Самарқанд вилояти филиали томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 393,8 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

• Хўжайли шаҳри марказида бўш ётган бино тадбиркор Сулаймон Ўрозимбетов ташаббуси билан тубдан таъмирланиб, муҳташам маҳалла гузари бунёд этилди. Ушбу замонавий мажмуада маросимлар уйи, савдо дўкони ҳамда ўнлаб маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлаган бўлиб, 30 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

• Бухоро туманида «Ҳалимабегим Омад» қўшма корхонаси фаолият бошлади. Атир-упа маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхонага хориждан 357 минг АҚШ долларига тенг замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда 50 кишидан иборат мазкур корхонада маҳаллий хом ашёдан ойига ўртача 100 миллион сўмлик атир-упа маҳсулотлари тайёрланиб, асосий қисми экспорт қилинмоқда.

• Андижон вилояти Кўргонтепа туманидан тадбиркор Музаффар Аҳмедовнинг «Элга юксак ишонч» хусусий корхонасида хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида 10 турдаги мебель жиҳозлари ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 11 киши иш билан таъминланган ушбу корхона жамоаси ойига ўртача 15 миллион сўмликка яқин маҳсулот тайёрлаб, ички бозорга чиқармоқда.

## ЖАҲОНДА

• Канаданин Калгари шаҳри «Дунёдаги энг тоза шаҳар» деб топилди. «Мерсер» тадқиқот хизмати экспертлари томонидан олиб борилган кузатишлардан сўнг шундай хулосага келинди.

• Форс кўрфазининг 2010 йилнинг охирида ягона валютага ўтиш тўғрисида қарор қабул қилган тўртта давлати ушбу тадбирни кечиктириб туришларини билдиришди. Бунга Европа Иттифоқининг ягона валютаси — евронинг кун сайин қадрсизланиб бораётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Халқаро давлатларининг ягона валютага ўтиши 2015 йилгача кечиктирилиши мумкин.

• Мексикада жорий йилнинг 11 июнида бошланган футбол бўйича жаҳон чемпионатида бағишланган кўрғазма очилди. Ушбу кўрғазма 27 июнга қадар давом этади.

• Жорий йилнинг июнь ҳолатига кўра, АҚШнинг давлат қарзи 13,051 триллион долларга етди, дея хабар беради мамлакат молия вазирлиги.

• Украина Олий радасининг адолатли суд масалалари бўйича қўмитаси айни пайтда мамлакатда фаолият юритаётган 19 нафар судьяни ишдан олиш тўғрисидаги масалани парламентга тақдим этди. Улар орасида, дейилади «Главерд» хабарига, Олий суд судьяси, Киев апелляция суди судьяси, Киев округ маъмурияти суди раиси ҳам бор.

# ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

**Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, оммавий жисмоний тарбия ва маданий ишлар, касаба уюшмалари кадрлари билан ишлаш ҳамда уларни ўқитиш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидир.**

Статистик маълумотларга кўра, 2009 йилда касаба уюшма фаолияти жорий этилган 3234 та корхонада жамоа шартномалари тузилиб, 373735 нафар меҳнаткаш манфаати қамраб олинди. Жамоа шартномалари асосида ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга 443545 сўм миқдорда маблағ сарфланди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасидаги вазифаларни амалга ошириш юзасидан шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Биринчи чорак мобайнида корхона, ташкилот ва муассасалар жамоа шартномалари киритилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар орқали тармоқ корхоналаридаги кам таъминланган, боқувчисини

йўқотган 17 та оиланинг фарзандлари учун ўқув куроллари, дарсликлар харид қилиш мақсадида 1,6

ларга беш миллион 500 минг сўм сарфланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари санаторийларида

заси бўйича жамоат назоратини кучайтириш мақсадида касаба уюшма кўмиталари қошидаги меҳнат-

бирлашма кенгашининг раёсатида кўриб чиқилиб, голиблар аниқланди. Шаҳар кўрик-танловида Республика шохлиқ тиббий ёрдам илмий маркази, «159-қурилиш трести» акциядорлик жамияти, «Тошкент ёғ-мой комбинати» қўшма корхонаси, «Ўзбек-көнгеротаъмир» АЖ, Мирзо Улуғбек туманидаги 112-мактаб, «Ўзқабель» ҚК, «Сувсоз» трести» ДУК, шаҳар сув тармоқлари бошқармаси, Фафур Гулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий йил, 2-трамвай депоси касаба уюшмалари кўмиталари ҳамда фаоллари совриндор деб топилди.

**Бахтиёр ҲАМИДОВ,**  
**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлими мудири**

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ АСОСИДА

миллион сўм сарфланди. 625 та кам таъминланган оилага корхоналар томонидан 26 миллион 510 минг сўм миқдорда кўмак кўрсатилди. Фарзандлари икки ёшдан уч ёшга тўлгунга қадар 69 нафар онага уч миллион 715 минг сўм миқдорда моддий ёрдам берилди. Шунингдек, олий ўқув юртлирида тахсил олаётган олти нафар талаба учун контракт пулларининг бир қисми тўланиб, бу мақсад-

471 киши соғломлаштирилган бўлса, ўқув юртлири қошидаги санаторий-профилакторийларда 300 нафар талаба ва ўқувчи ўз соғлигини тиклади.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар ва ишловчилар учун соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратиш, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш масалалари ҳам долзарб йўналишлардан биридир. Жойларда меҳнат муҳофа-

зи муҳофаза қилиш комиссиялари ишини ташкил қилиш бўйича вакилликларни танлаш, сайлаш, ўқитиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва республика миқёсида ўтказилаётган «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан кўрик-танловининг 2008-2009 йиллар бўйича якунлари ҳайъат мажлисида ва

## ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

**Спортнинг оммавийлигини оширишга ва иқтидорли спортчиларни тарбиялаб камол топтириш ишларига Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан муҳим эътибор қаратилмоқда.**

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши томонидан бу борада кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Анъанага айланган «Саломатлик» спартакиадаси ҳам мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Яқинда соқликни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар, энгил ва мебель саноати, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари уюшмаси таркибидagi «Сувсоз» трести давлат унитар корхонасида «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди. Шунингдек, яқинда «Яккасарой» спорт мажмуида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Э.Парсеговнинг хотирасига бағишлаб, касаба уюшма спорт фахрийлари ўртасида мини-футбол бўйича ўтказилган Республика 2-турнирида «Ўзқабель» очик акциядорлик жамияти жамоаси

голиб чиқди.

Баркамол авлод йилига бағишлаб оммавий спорт мусобақалари ҳам ўтказилмоқда. Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг йиллик иш режасига биноан болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг ўқувчилари турли даражадаги биринчиликлар, чемпионатлар ва халқаро турнирларда қатнашди. Жумладан, юнон-рум кураши, пауэрлифтинг, спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, энгил атлетика, синхрон сузиш ва кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатларида пойтахтликлар совринли ўринларни эгаллади.

Вакилларимиз халқаро миқёсдаги мусобақалар, турнирларда ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб равишда ҳимоя қилмоқда. Спорт гимнастикаси бўйича АҚШда ўтказилган халқаро турнирда Луиза Галиулина иккинчи ўринга, Дилно-

за Абдусаломова эса Осиё чемпионатида учинчи ўринга, бадий гимнастика бўйича Мисрда ўтказилган халқаро турнирда Анастасия Сердюкова иккинчи ўринга сазовор бўлди. Пауэрлифтинг бўйича Мўғулистонда уюштирилган Осиё чемпионатида Алена Сомова голиб деб топилди.

Спортнинг бокс, юнон-рум кураши, кураш, энгил атлетика, синхрон сузиш, сузиш, гандбол, бадий гимнастика, спорт гимнастикаси ва пауэрлифтинг турлари бўйича Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти спортчиларининг Ўзбекистон миллий терма командаси таркибидан жой олганлиги фахрланса арзигуликдир.

**БАҲОДИР БЕГИМҚУЛОВ,**  
**жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси вазифасини бажарувчи**

**«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ёзги таътил мавсумида болаларнинг дам олишини ташкил этиш масаласи алоҳида ўрин олган.**

## ЁЗ МАВСУМИ МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

Тошкент шаҳар ҳоқими ва касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ҳамкорликдаги «Ёзги таътил кунларида мактаб ўқувчиларини дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарорига биноан корхона-ташкилотлар тизимидаги оромгоҳларда тиклаш-таъмирлаш ишларини жорий йил 25 майга қадар тугатиш мақсадида зарур чоралар кўрилиб, муайян ишлар амалга оширилди.

Болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ташкил этиш бўйича шаҳар комиссияси томонидан ҳўжалик раҳбарлари, бошланғич касаба уюшма кўмита раислари, оромгоҳ раҳбарлари, тармоқ касаба уюшма кенгаши ва вакиллиги раислари, оромгоҳ тарбиячилари, етакчилари иштирокида семинар-кенгаш ҳам уюштирилди.

Бу йил 42 мингдан зиёд пойтахтимиз ўқувчиларини 20

та оромгоҳда дам олишини ташкил этиш режалаштирилган. Шулардан 16500 нафар мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда ҳордик чиқаради.

Ёзги мавсумга оромгоҳларни тайёрлаш юзасидан масъул ташкилотлар томонидан биринчи навбатда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётди. Шу боис ҳам касаба уюшмалари томонидан Ички ишлар бош бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Умид қиламизки, ёз мавсумида фарзандларимизнинг мазмунли дам олишини ташкил этишга мутасадди бўлган корхона ва ташкилотлар бор имкониятини ишга солиди.

**Шаҳодат ТўЛАГАНОВА,**  
**кенгаш маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири**

**Меҳнат жамоаларида маънавий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш мақсадида касаба уюшмалари томонидан муайян ишлар қилинмоқда.**



## САНЪАТ ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Туман ва шаҳар миқёсидаги тадбирларда фаол катнашиб келаётган «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамияти маданият саройи қошидаги «Харакат» («Движение») болалар рақс дастаси мухлисларининг меҳрини қозонган жамоа сифатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг қарорига мувофиқ «Намунали бадий жамоа» но-

мига сазовор бўлди. Яқинда корхона маданият саройида мазкур дастанинг ташкил топганлигига 20 йил тўлиши муносабати билан ишчи-хизматчилар иштирокида театрлаштирилган дастур намойиш этилди. Тадбирни очган корхона касаба уюшма кўмитаси раиси А.Долженкова ба-

дий жамоага асос солиб, ўтган йиллар мобайнида болаларнинг талабчан ва меҳрибон устози сифатида санъат сирларини ўргатиб келаётган Н.Молдаханова ва унинг шогирдлари бўлган ёш санъаткорларни жамоанинг таваллуди билан табриклаб, эзгу тилларини билдирди. Байрам дас-

тури доирасида юбилар жамоани «Катюша» ва «Гулдаш» хор ва рақс гуруҳлари ўз чиқишлари билан кутлади. «Харакат» студияси томонидан ижро этилган миллий ва жаҳон халқлари рақслари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

2005 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ХХРнинг Марказий миллатлар университетидида иккита талабалар гуруҳидан иборат бўлган ўзбек тили бўлими ишлаб турибди. 2007 йилнинг май ойида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Хитой тили маркази очилди. Ушбу марказ Хитой томонидан бегарас асосда техник ускуналар ва ўқув куроллари билан жиҳозланган. ХХР ҳукумати икки томонлама битимга асосан ҳамда ШХТ доирасида ҳар йили Ўзбекистонлик талабаларга ўқув грантлари ажратади. Ўзбекистон олий ўқув юртлирида 20 нафар хитойлик талаба тахсил олмақда.

Ўзбекистон томони ХХРдаги юқори макроиқтисодий кўрсаткичларни Хитойда муваффақиятли илгари суриллаётган иқтисодий лойиҳалар, инқирозга қарши оқилонга ишлаб чиқилган дастурнинг гувоҳи сифатида кўради. Шанхай шаҳрида очилган улкан «ЭКСПО-2010» кўргазмаси Хитойнинг равақ топаётган иқтисодиётини намоён этмоқда. Ушбу йирик халқаро кўргазма доирасида Ўзбекистон павильони фаол ишламоқда.

Сайёҳлик борасида эса «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан ХХР Миллий туризм маъмурияти ўртасида 2009 йил июнь ойида Ўзаро англашув меморандуми имзоланган. Умумий хитой журналистлари уюшмасининг электрон маълумотлари жамланмасида Ўзбекистон маданий ва тарихий осори-атикалари, шунингдек, туризм борасидаги салоҳиятига оид фото ва видео лавҳалар доимий асосда ўрин олган. 2009 йилда Чжэньчжоу ва Циндао шаҳарларида юртимиз сайёҳлик имкониятларининг тақдиротлари ўтказилди.

2007 йил октябрь ойида Ўзбекистон терма жамоаси Шанхайда ўтган Махсус бутунжаҳон ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиб, спортнинг 7 тури бўйича 19 медални кўлга киритди.

2008 йил августда Пекин шаҳридаги Олимпияда ўйинларида юртимиз терма жамоаси олти соврин, яъни битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалига эга бўлди. Ўзбекистонлик спортчилар ХХР пойтахтида шу йилда ўтказилган паралимпия мусобақаларида илк бор иштирок этди.

2009 йил июнда Хитойда ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси иккита кумуш ва учта бронза медалини кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

Тошкент ва Шанхай шаҳарлари, Бухоро вилояти ва Хубэй провинцияси ҳамда Тошкент вилояти ва Шаньси провинцияси ўртасида шериклик алоқалари ўрнатилган.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига 1998 йилда тасвир этилган «Ўзбекистон — Хитой» ва 2007 йил декабрда ташкил қилинган «ХХР — Марказий Осиё» мамлакатлари дўстлик жамиятлари ҳам аҳамият касб этаётди.

ХХР раисининг мамлакатимизга амалга оширилажак давлат ташрифи Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги турли қўламдаги ҳамкорликнинг кенгайтирилишида янги сифатларни очиб бериб, йирик сармоявий лойиҳаларни илгари суриш, дўстлик ва ўзаро ишонч муносабатларини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўлиши шубҳасиз.

**«Жаҳон» АА**

## Ёшлар — келажакимиз

### ЮРТ ТАЯНЧИ

**«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида қатъий эътиқод ва қарашларга эга, маънавий таҳдидлар ва ёт ғояларга қарши туришга қодир ёшларни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.**

Бундай долзарб вазифаларни бажариш, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда. Бунинг самараси ўларок, ёшларда Ватанга муҳаббат, юрт келажак учун дахлдорлик туйғуси кучаймоқда. Ёшларимиз қалбида илм олиш, меҳнат қилиш, изланишга, Ўзбекистонни бутун дунёда тараннум этишга интилишнинг кучлиги ҳам шундан далолатдир. Бундай ватанпарвар ёшлар юртнинг ҳақиқий таянчлари ҳисобланади.

Пойтахтимизда Тошкент давлат педагогика университети талабалари иштирокида «Ватанпарвар ёшлар — юрт таянчи» мавзусида бўлиб ўтган конференцияда шу ҳақда гап борди.

Университет ректори Фазлиддин Хайдаров мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган конференцияда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнида ёшлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг интеллектуал салоҳияти, дунёқараши, тафаккури ва билим савиясини янада ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоатчилик ҳамкорлигини янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, ҳар томонлама етуқ, айниқса, ҳуқуқий маданияти юксак ёшларни ҳеч ким танлаган йўлидан қайтара олмайди.

Тадбирда, шунингдек, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ўрни ва роли, ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларнинг Ўзбекистонда ижро этилиши каби мавзуларда маърузалар тингланди.

(ЎЗА)

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЕНГИЛ ТАКСИ ТУРАР ЖОЙЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Тошкент шаҳрининг барча ҳудудида энгил таксилар турар жойларини (кейинги ўринларда Такси турар жойлари) ташкил этиш, тасарруф қилиш ва шаҳар такси турар жойларидан фойдаланиш қоидаларини, шунингдек мазкур турар жойлари, нозимлик хизмати ходимлари, такси ҳайдовчилари ва такси турар жойларидан фойдаланувчи йўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Шаҳар таксилар турар жойлари энгил таксиларнинг (кейинги ўринларда Такси) ҳаракатини ташкил этиш ва йўловчиларни таксига чиқариб-тушириш жараёнини бошқариш, нозимлик хизмати иштини мувофиқлаштириш, таксомоторда ташишни назорат этиш, ноқонуний киракашликка йўл қўймаслик мақсадида ташкил қилинади.

Такси турар жойлари ташкил қилиниши бошқа турдаги транспортлар ҳаракатига ҳалақат бермаслиги лозим.

3. Шаҳар такси турар жойларида "Тошкент шаҳри ҳудудида энгил таксиларда ташишни ташкил этиш тўғрисида"ги Низомга мувофиқ таксида ташишни амалга оширувчи нозимлик хизмати йўловчиларни умумий навбат асосида таксига чиқариш ва тушириш ҳуқуқига эга.

4. Такси турар жойлари Тошкент шаҳрининг йирик йўловчи тўпланиш жойларида Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти (кейинги ўринларда Департамент) томонидан ташкил қилинади. Такси турар жойлари танланганда, йўловчиларнинг транспорт воситалари оқимини кесиб ўтмаслик каби қулайликлар ҳисобга олинади.

5. Такси турар жойлари тасарруф этиш

тижорат асосида турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, такси турар жойларини корхоналарга бириктириш Департамент томонидан ўтказиладиган тендер савдолари асосида амалга оширилади.

6. Такси турар жойига фақат "Тошкент шаҳри ҳудудида энгил таксиларда ташишни ташкил этиш тўғрисида"ги Низом талабларига жавоб берадиган автомобиллар кириб-чиқиш ҳуқуқига эга.

### II. ТАКСИ ТУРАР ЖОЙЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

7. Такси турар жойи:

- такси турар жойининг номи ва тартиб рақами ёзилган трафарет;

- зарур ахборотлар мавжуд бўлган нозимхона, яъни:

- такси турар жойининг иш режими;

- такси турар жойини тасарруф қилувчи идоранинг манзили, алоқа телефонининг рақамлари;

- "енгил таксилар турар жойи" 5.14 рақамли йўл белгиси билан жиҳозланади;

8. Такси турар жойининг ҳудуди қаттиқ қопламада бўлиши, панжара, ёритиш воситалари, чиқиндиларни йиғиш контейнери, ёнгина қарши курашиш воситалари, хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хона, ёндошган кўчага чиқадиغان дарбоза ёки слагбаум (кириш ва заҳира) кабилар билан жиҳозланиши.

9. Такси турар жойи кечкурун ва тунда ёритилиши, шу жумладан қонун доирасида чироқли реклама билан ҳам жиҳозланиши мумкин.

10. Ҳар бир такси турар жойига манзили (жойлашган ери), эгаси ва унинг реквизитлари, ташкил этилган вақти, такси турар жойини ташкил этиш тўғрисида

бошқарув идоралари қарори, асосий геометрик ўлчовлари, ҳажми (автомобиль жойи сони), ишлаш вақти ва жиҳозлар рўйхати кўрсатилган паспорт тузилади.

### III. ТАКСИ ТУРАР ЖОЙИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАРТИБИ

11. Такси турар жойлари мулкчилик шаклидан қатъи назар бўлган корхоналарга ижара шартномаси асосида савдо тендерлари натижаларига қараб берилади.

12. Такси турар жойларини тасарруф этувчи корхона Департаментга миқдори белгиланган тартибда тасдиқланган ижара ҳақи тўлайди.

13. Такси турар жойлари тизимида қуйидагилар мавжуд бўлади: йўл чизиқлари, йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичлари ҳамда нозимлик хизмати.

14. Такси турар жойи ҳудудида буюмларни сақлаш таъқиқланади.

15. Такси турар жойидан фойдаланиш ҳақи турар жойини тасарруф этувчи корхона томонидан қонунда белгиланган миқдорда, такси турар жойини тасарруф этувчи корхона билан ташувчи ўртасида тузилган шартнома асосида нақд пулсиз ҳисобкитоб қилиш усулида тўланади.

Таксиларни жўнатиш навбатига риоя қилиниши учун таксилар биттадан йўловчилар ўтирадиган жойга етказиб берилади.

Таксиларнинг жўнаш навбати биринчи келган такси биринчи бўлиб йўловчи олиб жўнайди.

16. Такси турар жойларида автотранспорт воситалари эгаларига миқдори белгиланган тартибда жорий қилинадиган алоҳида тўловлар бўйича техник хизмат ва транспорт воситасини артиш-тозалаш каби хизматлар кўрсатилиши мумкин.

Ушбу хизматлардан олинмаган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

17. Такси турар жойига кирган ҳайдовчи:

- ушбу Низомга, "Тошкент шаҳри ҳудудида энгил таксиларда ташишни ташкил этиш тўғрисида Низом"га риоя этишга;

- такси турар жойлари ҳудудида таксини белгиланган жойга, чизилган чизиқларга мувофиқ киритиш ва навбатчи нозимнинг амалдаги қонунларга зид бўлмаган талабларини бажаришга мажбур.

18. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг йўловчи транспортни барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти қуйидаги назорат ишларини амалга оширади:

- такси турар жойларини сақланиш, жиҳозларнинг созлиги ва ишга яроқлилигини таъминлаш;

- такси турар жойлари ходимларини тайёрлашни (қайта тайёрлашни) ташкил қилиш;

- такси ҳайдовчилари томонидан ушбу Низом талабларига риоя қилинишини таъминлаш.

### IV. ТАКСИ ТУРАР ЖОЙЛАРИНИНГ СОЛИҚҚА ТОРТИЛИШИ

19. Такси турар жойларини тасарруф этувчи корхоналар белгиланган тартибда бюджетга солиқ, бюджетдан ташқари жамғармаларга бадал тўлайди.

### V. ТАКСИ ТУРАР ЖОЙИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

20. Такси турар жойини тасарруф этувчи корхоналар санитария ва ёнгина қарши қоидаларига риоя қилиниши учун жавобгардир.

21. Такси тўхташ жойлари ҳудудида ногирон йўловчилар учун энг камида иккита жой жиҳозланган бўлиши керак.

22. Бюджетга солиқ тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун такси турар жойини тасарруф этиш корхонаси қонунда белгиланган тартибда жавобгардир.

23. Такси турар жойларини тасарруф этувчи корхона табиий офатлар (зилзила, довул, сув тошқини ва бошқалар) натижасида зарарланган транспорт воситалари, такси салонидagi ва унинг мажмуасидан ташқаридаги шахсий буюмларнинг сақланиши, такси турар жойларига кирган таксининг сақланишига оид эътирозларга жавобгардир.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Тошкент шаҳрида 2010-2011 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2010 йил 14 июндан 20 июлгача иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда иссиқлик (юқори босимга) сеновлари ўтказилади.

**1-ИМ (М-1,4) 25 июнь 7 июль кунлари** - Мустақиллик шоҳқўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Кичик ҳалқа йўли, И.Мўминов, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Паркент, Боғишамол кўчалари, Тамарахоним тор кўчаси, "Тошкишлоқмаш", Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 турар жой мавзелари, ТошГРЭС қўрғони, Ҳамид Олимпон майдони.

**2-ИМ 15 июнь 28 июль кунлари** - Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулок, Феруза, Миришкор, Ш.Бурхонов, Р.Ҳамроев, А.Убайдуллаҳўжаев кўчалари, Қорасув-1,2,3,4,6, Хумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар қўрғони.

**3-ИМ 17 июнь 8 июль кунлари** - Бунёдкор шоҳқўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ўзбекистон, А.Хўжаев, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд Дарвоза, Абай кўчалари, Чорсу, Қоратоп, Олмазор, Бешёғоч, М-10, 11,14, М- 26, 27, 28, Б-1,Б-2, Б-3, Қорақамиш 2/1,2/2 турар жой мавзелари.

**4-ИМ (М-0,1) 23 июнь 2 июль кунлари** - Амир Темур шоҳқўчаси, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимпон, Н.Ҳасанов, Фафур Фулом, Абдулла Қодирий, М.Шамсутдинов, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Шайхонтоҳур, А.Ҳидоятлов, Мингўрич кўчалари, М-1,5,6,12,13,15,М-17,18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4, 2/2, 2/5 турар жой мавзелари, Ҳамид Олимпон майдони.

**4-ИМ (М-4,8) 18 июнь 9 июль кунлари** - Амир Темур шоҳқўчаси, Юнусобод мавзеси 1-19 даҳалар, Аҳмад Доғниш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Шахристон, Уч Қахрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари.

**5-ИМ 22 июнь 6 июль кунлари** - Чилонзор мавзеси 5-12, М, Г9а, 16-20А, 26-даҳалар, Дўмбиробод, Оқтепа, Қизил Шарк, Гулистон, Ал-Хоразмий-1,2 мавзелари, Заргарлик, Муқимий, Фарход, Чўпонота, С.Мираҳмедов, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Новза, Қозиробод, Катта Хирмонтепа кўчалари.

**6-ИМ 14 июнь 28 июль кунлари** - Мунис, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлик, Абдурауф Фитрат, Фаргона йўли кўчалари, Қўйлик - 1-7 турар жой мавзелари, Қўйлик-айланма йўл.

**7-ИМ 16 июнь 1 июль кунлари** - Қорасув, Бешарик, Бирлашган, Элбек, Слоним, Қурувчилар, Уйсозлар кўчалари, Охангарон узун кўчаси, Тузөл - 1,2,3,4, УҚК-1, Слоним-1,2, Авиасозлар турар жой мавзелари.

**8-ИМ 16 июнь 30 июль кунлари** - Сергели 1-8А, Йўлдош-8,15,16,17, Дўстлик - 1,2 турар жой мавзелари, Янги Сергели йўли, Мехригиё, А.Ахматова, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонар, Қўрғонтепа кўчалари.

**9-ИМ 15 июнь 12 июль кунлари** - Чилонзор мавзеси, 13-15, 15А, 21-24, 30,31-даҳалар, Қизил Шарк, Ал-Хоразмий - 1,2, Бешқайрағоч, Гулистон турар жой мавзелари, Тақачи, Ширин, Лутфий, Катта Хирмонтепа кўчалари, Фозилтепа 2-тор кўчаси.

**10-ИМ 14 июнь 6 июль кунлари** - Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Фолиб, Олим Хўжаев, Ф.Каримов, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарарик, Қорақамиш - 2/3,2/4, Тансиқбоев-1,2,3,4, О.Хўжаев, Қамарнисо, ЎЗМУ - ТошДТУ, Олимпия, Абу Али ибн Сино-1,2, Белтепа мавзелари.

**ИЭМ (М-0) 30 июнь 20 июль кунлари** - Навоий, Рашидов, Бобур, Шота Руставели, С.Мираҳмедов, Арнасой, Ш.Исломов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, М-7, Чилонзор турар жой мавзелари 1,2,3,4,5,Е,И даҳалари.

**ИЭМ (М-5,8) 21 июнь 5 июль кунлари** - Амир Темур шоҳқўчаси, Бобур, Глинка, Афросиёб, С.Толипов, Я.Фуломов, Буюк Турон, Бухоро, Истиклол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Мустафо Камол Отатурк, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус кўчалари, Қушбеги, Бошлик, Учувчилар шаҳарчаси, М-1,2,4,5 турар жой мавзелари.

**"Водник" қозонхонаси 15 июнь 29 июль кунлари** - Сувсоз турар жой мавзеси ҳудуди, Хусайн Бойқаро кўчаси.

**"ТТЗ" қозонхонаси 17 июнь 1 июль кунлари** - ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий турар жой мавзелари ҳудуди, Ахиллик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Юзробот кўчалари.

**"Саноатэнерго" қозонхонаси 5 июль куни** - Қурувчилар" турар жой мавзеси.

"Саноатэнерго" қозонхонаси таъсир доирасида 5 июль куни иссиқ сув таъминоти бўлмайд.

Эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги кишиларнинг эҳтиёт бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунасиз деган ниятдамиз.

Ноодатий ҳолларни сезсангиз, 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

### «Ўзбекистон почтаси»

очиқ акциядорлик жамияти

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Ўзбекистон почтаси» очиқ

акциядорлик жамияти бошқарув аппаратида юқори малакали ахборот коммуникация технологиялари йўналиши бўйича мутахассисларни ишга жалб этиш юзасидан танлов эълон қилади.

Мутахассисларга келишув асосида штат жадвалига асосан 500 минг сўмдан 700 минг сўмгача ойлик маоши тўланади.

Танловда қатнашиш учун (мутахассислигига қараб) қўйиладиган талаблар:

— олий маълумотли, ўз мутахассислиги бўйича 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиши; — ўзбек ва рус тилларини билиши керак.

Танлов комиссиясига тўлиқ расмийлаштирилган шахсий варақа (сўровнома), маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси ва малака оширганлиги ёки қайта тайёрлашдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалар (сертификат) тақдим этилиши лозим.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олой кўчаси, 1-уй. (Бошпочтамт биноси).

Мурожаат учун телефонлар: 237-49-51, 233-57-47.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.

Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

2010 йил — Баркамол авлод йили

**Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, истеъдодини юзага чиқариш, соғлом ва билимдон бўлиб вояга етишига ҳисса қўшиш мақсадида «Камолот» ЁИХ ҳомийлигида ташкил этилган «Камалак» болалар ташкилоти томонидан кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**

**ЕТАКЧИЛАР  
ФАОЛЛИГИ ОШАДИ**

Бу ҳақда мазкур ташкилотнинг Яққасарой тумани бўлими томонидан ўтказилган сарҳисоб анжуманида сўз бориб, келгуси режалар ҳам белгила олindi.

Тадбирда сардорларнинг ўтган ўқув йили давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи эшитилиб, ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинди. Айтиб ўтиш жоизки, бу гал фақат мактаб сардорлари эмас, балки олий ўқув юртлири бошланғич ташкилотлари ва туман етакчилар кенгаши аъзолари ишлари ҳам сарҳисоб қилиниб, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, «Йилнинг энг ташкилотчи мактаб етакчиси», «Йилнинг энг фидойи мактаб етакчиси», «Йилнинг энг намунали мактаб етакчиси», «Йилнинг энг истеъдодли сардори» каби йигирмага яқин номинациялар бўйича совриндорлар аниқланди.

— Тадбирлар шундай кўтаринки руҳда ўтказилиши, албатта, ёшлар даврасида иш олиб бораётган етакчи ва сардорлар фаоллигини оширади, уларнинг масъулиятни янада теран ҳис этишига хизмат қилади, — деди «Камалак» болалар ташкилоти Яққасарой тумани бўлими раиси Дониёр Абдулҳафизов.

Муножат ҚОДИРОВА

Маълумки, чекиш дунё микёсидаги муаммодир. Шу муносабат билан май ойининг охиригунки бугунжаҳон чекишга қарши кураш кунини сифатида белгиланган бўлиб, унинг доирасида ташкил этиладиган турли тадбирлар ушбу муаммонинг ечимини топишга қаратилган.

Тадбирда сўзга чиққан мутахассислар тамаки нафақат рухий, балки жисмоний қотил эканлиги, инсон саломатлигига етказадиган зарарли оқибатлари хусусида ёшларга батафсил маълумот бериб ўтди.

— Мазкур тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад ёшлар онгига соғлом турмуш тарзини синдириш, зарарли одатларнинг олдини олишдир, — деди Саломатлик ва тиббий статистика институти филиали директори Э.Маракаева. - Маълумотларга қараганда, чекмайдиганларга нисбатан чекувчи 40 ёшли эркекларда тўсатдан ўлим ҳолатлари 3-4 марта кўп бўлиши кузатилган. 30 ёшлар атрофидаги чекувчи эркек-

**ЁШ АВЛОД ЧЕКИШГА ҚАРШИ**

**Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти филиали томонидан «Баркамол авлод - чекишга қарши» шиори остида коллеж ва лицей ўқувчилари ўртасида иншолаб кўрик-танловининг шаҳар босқичи ташкиллаштирилди.**

ларда инфаркт икки марта кўп содир бўлиши мумкин экан. Барча чекувчилар сурункали бронхит билан оғриган. 40-50 йил мобайнида чекиб келган кишиларда чекмайдиганларга қараганда ўпка саратони 10-20 марта кўп, оғиз бўшлиғи саратони ўн марта кўп, қизил ўнғач саратони 4-5 марта кўп учраши аниқланган. Ёшларимизга шуни эслатиб ўтардимки, чекмаслик соғлом умр гарови эканлигини ёдда тутинг, чекмас-

дан ёшлик гаштини сурунг.

Тадбир якунида «Баркамол авлод чекишга қарши» шиори остида ўтказилган иншолаб кўрик-танловининг шаҳар босқичи голиблари аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

**Дилором ИКРОМОВА  
СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар  
Козим Ўлмасов олган суратлар**



**ДОЛЗАРЪ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ**

**Дунёда тинчлик-осудалиқдан ортиқ буюк неъмат йўқ. Уни асраб-авайлаш, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга ҳисса қўшиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.**

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ ёш авлодга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик, ёшларнинг ҳақ-хўқуқлари ва ижтимоий ҳимоясини ўзида мужассам этган кўплаб давлат дастурларининг замирида ҳам шундай эзгу мақсад мужассам.

Кунини кеча Яққасарой туманидаги Меҳр-шафқат колледжиде ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳам келажақ эгалари бўлган фарзандларимизни ноқону-

ний йўлларга кириб қолишининг олдини олишга қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққан Яққасарой тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилором Шарипова, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар

кўмитаси ходими Мирюсуф Мирисмоилов, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги мутахассиси Фафуржон Сирошов ва бошқалар бугунги кунда бугун дунё ахлини ташвишга солаётган одам савдосидек жирканч иллатнинг домига

билиб-билмай тушиб қолган ва эндиликда надомат чекаётган кишилар, шу жумладан ёшлар ҳақида фикр билдириб, бу борада ушбу жиноятга қарши республикаимизда кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан маълумот бе-

риб ўтишди.

Туман прокуратураси, ички ишлар, тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» ЁИХ, Маънавият тарғибот маркази, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган ушбу тадбир давомида адашганлар қисматидан ҳикоя қилувчи «Ҳалокат сари» ва «Тузоқ» ҳужжатли фильмлари намойиш этилди.

Тадбир сўнггида соҳа мутасаддилари ёшларни ўйлантирган барча саволларга батафсил жавоб берди.

**Шаҳризода МУХСИМОВА**

**Спорт янгиликлари**

**ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ**

**Юртимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Айниқса ҳар бир соҳа ва тармоқ вакиллари ўртасида тез-тез спорт мусобақалари уюштириш аънанага айланган.**

Кунини кеча 51-оилавий поликлиника шифокор аёллари ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилди. Хотин-қизлар соғлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкиллаштирилган ушбу тадбирда аёлларимиз югуриш, стол тенниси, шахмат-шашка бўйича голиблик учун ўзаро баҳс юриштиди. Қизиқарли ва шиддатли курашлар остида кечган мусобақалар якунида барчага эсдалик совғалари тўхфа этилди.



Ушбу чемпионат жорий йилнинг август ойида Англиянинг Херрфорд графлиги худудиде бўлиб ўтади. Мамлакатимиз терма жамоаси сафларидан ўрин олган Азим Фаниев, Равил Лутфуллин, Шерзод Бобоқулов, Эрлан Дюсенов, Константин Цой, Бахтиёр Аджибоев, Дилмурод Ашуров, Салават Маниёдов

каби чарм тўп усталари машғулотларда ўз маҳоратини оширмоқда.

Юртдошларимизнинг рақиблари жиддий. Улар яшил майдонда Бразилия, Испания, Хитой, Россия, Германия каби курраи заминнинг етакчи жамоалари билан ўзаро баҳс юришади.

Ният қиламизки, иқтидорли мураб-

**«Чилонзор» болалар спорт-соғломлаштириш мажмуасида кўриш қобилияти заиф ёшлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионатига тайёргарлик кетмоқда. Бу ерда Ўзбекистон терма жамоаси нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш тараддудида тўп сурмоқда.**

**ЧЕМПИОНАТГА ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК**

бий Рашид Сафариев сабоқларини яхши ўзлаштирган ёшларимиз жаҳон чемпионатида муносиб тарзда иштирок этади.

**И. ДИЛШОДОВ  
СУРАТДА: терма жамоамиз машғулотида лавҳа  
Алексей Попов олган сурат**

**ХУШХАБАР**

**Футбол мухлислари орзиқиб кутаётган онлар тобора яқинлашмоқда. Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича уюштирилаётган XIX жаҳон чемпионати бошланишига ҳам тўрт кун қолди.**

Курраи заминнинг 32 мамлакати терма жамоалари энг нуфузли турнир — жаҳон чемпионати голиби бўлиш мақсадида 8 гуруҳга бўлинган ҳолда муросасиз баҳс олиб бора-

ди. Жаҳон чемпионатида қайси терма жамоалар иштирок этади, учрашувлар қайси шаҳарлар стадионларида ўтказилади? Бу ҳақда газетамизда батафсил маълумот берамиз ал-

батта. Ҳозир эса ўзбек мухлислари учун қувончли хабарни айтмоқчимиз. Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА ҳакамлар кўмитаси қарорига кўра, жаҳон чемпионати «А» гуруҳидаги энг

биринчи Жанубий Африка Республикаси — Мексика терма жамоалари учрашувини ҳамюртимиз Равшан Эрматов бош ҳакам сифатида бошқаради. Бу Ўзбекистон футболлига, мамлакатимиз ҳакамларига кўрсатилган юксак ишонч эканлигидан далолат беради.

Биз Равшан Эрматовга жаҳон чемпионати баҳсларини муваффақиятли бошқаришини тилаб қоламиз.  
**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**



Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири

**ИККИЛИКЛАР**

**Агарчи мардларнинг марди эмассан,  
Дунё тегирмонин гарди эмассан.**

\*\*\*

**Иzzат кўрсатсанг-у, иzzатли бўлсанг,  
Иzzатинг ўлмайди гар ўзинг ўлсанг.**

\*\*\*

**Онанг дуосида дунё дури бор,  
Отанг дуосида Ҳақнинг жўри бор.**

\*\*\*

**Эл ичра андоза, магар оқилсан,  
Ўлиб яшамокқа демак доҳилсан.**

\*\*\*

**Ҳаммага ризқ берган ўзи илоҳи,  
Изингдан келганга йўл бергин гоҳи.**

\*\*\*

**Қайтиб кўрай десанг дўстинг дийдорин,  
Остонангга келса тинглагин зорин.**

\*\*\*

**Осмон узоқ, демак ерда турибсан,  
Осмон меҳри билан яшаб юрибсан.**

\*\*\*

**Қизинг тоза руҳинг - кўнгилнинг ёши,  
Улғайса бўлгуси палаҳмон тоши.**

\*\*\*

**Мисқол савобингни овоза қилсанг,  
Ботмон гуноҳга ҳам эгасан, билсанг.**

(Давоми бор)

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!**

Аукцион савдосига «Сувосоз» трести ДУК томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги №343-сонли қарори, «Сувосоз» трести Давлат унитар корхонасининг 30.03.2010 йилдаги 441/17-сонли хати ва «Сувосоз» трести Давлат унитар корхонасининг 19.03.2010 йилдаги 32 и/ч-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, А.Чехов кўчаси, 2-уй манзилида сақланаётган корхонага тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. «Тико» русумли, д/р 10АЕ066 бўлган, 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 252 800 сўм. 2. «Тико» русумли, д/р 10АЖ384 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 3 160 600 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 16 июнь кунини соат 11.00да бўлиб ўтади.**

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2010 йил 16 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2010 йилнинг 21 ва 28 июнь кунлари соат 11.00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

Оқсоқоллар Кенгаши «Маҳалла» жамғармаси Учтепа тумани бўлимига Тошкент шаҳар Статистика бўлими томонидан 2007 йилда берилган № 13409 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ**

**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**  
Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.**  
Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилди.  
6617 нусxada босилди.  
Кўраги бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 232-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.  
«Шарқ» нашрийт-матбوع акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
123 5